


ТУРКИСТОН ГОНГИ



Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета



Нурсултон НАЗАРБОЕВ:

**Болаларимизни туркийларнинг кела-
жаги ва тақдирига мос ҳолда тайёрла-
шимиз, турклигимизни уларга ва бутун
оламга билдиришимиз керак.**

Қозогистон ва Ўзбекистон кутубхоналарининг мунтазам алоқалари...

Қозогистонда иккита Миллий кутубхона бор: бири 2004 йил 23 апрелда президент Н.Назарбоев ташабуси билан очилган Қозогистон Миллий академик кутубхонаси, иккинчиси 1910 йилда асос солинган кутубхона. Иккинчи кутубхонанинг умумий майдони 29 минг квадрат метр, 2 қаватли биноси жойлашган худуд 20 минг квадрат метрни ташкил этади. Унга 16 ёшдан ошган фуқаролар азъо бўлиши мумкин. 280 нафар илмий ходим даражасидаги аъзога эга кутубхона 5 752 400 босма, 25 000 кўллэзма китоблар соҳиби ҳамдир. Ушбу китоб хазинаси Ўзбекистондаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан мунтазам равишда алоқалар ўрнатиб келади. Илмий анжуман-

лар, конфернсияларда ўзаро истиқболли режалар тузади. Бунга албатта, бир минтақада, бир тарихий шароитда шаклланган ҳалклар эканлигимиз сабабчи омиллар. Айниқса, кутубхонанинг "Олтин хазинаси"га киритилган нодир асарлар ичida Навоий бобомиз "Девон"ининг 1649 йилда қайта кўчирилган кўллэзмаси, Хожа Ахмад Яссавий "Ҳикматлар"и битилган бешта китоблар биз учун гоятда кадрли ёдгорликдир. XII асрда қайта кўчирилган "Куръони Карим" китоби, Низомийнинг 1488 йилда кўчирилган "Хамса"си, Фирдавсийнинг туркий тилга ўтирилган "Шоҳнома" асари кўллэзмалари борлиги аксарият ҳолларда китобхонлар қизиқшининг яна-да ортишига сабаб бўлади. Ҳар икки кунда кутубхонани 2-2,5 минг киши зиёрат қилади, умумий аъзолари сони 671,1 минг нафар ўқувчини ташкил этади...

Интернетдан олиб тайёрланди.

Боткент: қочиб кетган чегарачи ўлдирилди.

Озод Европа/Озодлик радиоси репортёри Аскер Султановнинг айтишича, августнинг 21 чисолосида қирғиз чегарачилари тўрт сафдоши ва улардан бирининг аёlinи отиб ўлдириган кочкин чегарачини ўлдиришган.

Ҳарбийлар Кулбарака ўғли Балбайни Қозогистон чегарасига яқин жойдаги тогнинг ғорларидан бирида кўриб қолишган ва уни отишма пайтида ўлдиришган, дейилади Чегара кўшинлари тарқатган баёнотда. Бу ҳақда ОАВда ҳам хабар берилган.

Расмийлар 20 август куни рўй берган ва 5 одамнинг ўлимига сабаб бўлган бу воқеанинг бўлиши мумкин бўлган сабаблари ҳақида хабар килишмаган.

Кирғизистон президенти матбуот маркази хабарича, 21 август Алмазбек Атамбаев бу қотиллик юзасидан текшириш ишлари олиб боришга буйруқ берган. Чегара кўшинлари расмийлари вафот этганларнинг оиласалари маддий ёрдам боришга ватда боришган.

Интернетдан олиб таржима қилинди.



Меҳнат муҳожирлари

Россияда ўзбеклар жамоаси учун газета чоп этила бошланди

Санкт-Петербургда ўзбеклар учун илк газета – "Петрбург-Ўз" чоп этила бошланган. Газетани Санкт-Петербургдаги ўзбек жамоаси фаоллари ташкил этишган. Мақсад Санкт-Петербург ҳамда Ленинград вилоятидаги ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларига кўмак етказиш экани айтилмоқда. Айни дамда бу нашр Россия ва Ўзбекистон орасидаги маданий алоқаларни кучайтиришга ҳам хизмат қилишига умид килинмоқда.

"Петрбург-Ўз" рўзномаси хозирча бир ойда бир маротаба рус тилида чоп этилади ва рўзнома сахифаларида асосан маданий, илмий ва иқтисодий мавзулар ёритилади. Санкт-Петербургдаги ўзбекистонликлар жамоаси раҳбари Алижон Ҳайдаровнинг айтишича, рўзнома Россияда яшаётган ўзбекистонликларга ёрдам бориш ҳамда россияликларни ўзбеклар урф-одатлари ва маданиятларига ошно этиш учун таъсис килинган. "Рўзномада Санкт-Петербург шахри ҳақида, шунингдек, ўзбеклар урф-одатлари, маданияти ва эришган ютуқлари ҳақида мақолалар чоп этамиз.

Рўзнома сахифаларида, албатта, меҳнат муҳожир-

лари муаммоларига кенг ўрин ажратамиз. Иккинчи сонидан бошлаб, меҳнат муҳожирларини алдаб, уларга пул тўламаётган ширкатлар рўйхатини чоп этамиз. Бу муҳожирларни фирибгар ширкатлар тузогига тушиб қолмасликларига ёрдам беради.

Рўзнома Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятида яшаётган ўзбекистонликлар орасида тарқатилади. Алижон Ҳайдаров яқин ойларда рўзномани ўзбек тилида ҳам чоп эта бошлашлари ҳақида айтади.

Айни вақтда рўзноманинг Ўзбекистондан келган инсонлар оғирини енгил килишга хизмат қилиши катор кузатувчиларда шубҳа ўйготган. Ивановодаги ўзбеклар жамоаси раҳбари Салимжон Амировга кўра, олдинлари бўлгани каби – рўзнома чоп этиш билан Ўзбекистонлик муҳожирлар дуч келаётган муаммоларни ҳал этиш қийин. "Ўзбекистонлик муҳожирлар муаммоларини ҳал этишда сиёсий иродада бўлиши лозим..."-деди.

Давлат Құдрат
(Изоҳ: мақола жузъий қисқартыралар
билин босилди.)

УШБУ
СОНДА:

ҲАЗРАТИ УМАРНИНГ
АДОЛАТИ
2, 5 - БЕТЛАР.

АЗИЗЛАР, МИЛЛАТ
АЙИРМАЙЛИК!
3-БЕТ.

ТУРКИСТОНДА
ЖАДИДЧИЛИК ВА
УНИНГ ТУГАТИЛИШИ
4-БЕТ

ФОЖИАЛАРНИНГ
БАЪЗИ САБАБЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ
АЙРИМ
ЕЧИМЛАРИ...
6-БЕТ

ВАТАН,
ШУХРАТИНГДАН
ДИЛЛАРИМ
МАСРУР.
7-8-БЕТ

ОДИЛЛИК ШАМШИРИ

Ҳазрати Умар (р.а.) раъиятни қаттиқ ўйларидан билинган бошқарсаларда, мўмин-мусулмонлар ҳам, ҳатто зимилилар ҳам у кишидан норози бўлмасдилар. Чунки Умар ибн Хаттоб адолат билан иш тутардилар. Ҳукм чиқаргандага иккى томоннинг обрў-маргабаси-ю бойкамбағаллиги, ҳукмдору-кул эканлигини хисобга олмас, Ислом шариатига, Аллохнинг бўйруғи-ю Расулуллоҳнинг (с.а.в.) суннатларига амал қиласдилар.

Ҳазрати Умарнинг халифалик давларидаги Ислом давлати бир неча вилоятларга бўлинган, уларнинг хар бирига алоҳида волий (хоким) тайин этилган эди. Халифанинг ўзлари Мадинада волий эдилар. Маккада Нофиъ ибн Абдулхорис Ҳузойӣ, Тоифда Суфён ибн Абдуллоҳ, Басрода Абу Мусо ал-Ашъарий, Дамашқда Муовия ибн Суфён, Мисрда Амр ибн Ос, Фаластинда Алқама ибн Мухаззаз волий эдилар. Улар ҳалқа ҳам, армияга ҳам, дин ишларига ҳам раҳбар эдилар.

Халифа давлат амалдорлари учун қуидаги тўрт қоидани ишлаб чиқканни:

1. Ҳеч қачон от ёки извошда юрмаслик;
2. Ҳеч қачон нафис, гўзал матодан кийим киймаслик;
3. Ҳеч қачон лаззатли таом емаслик;
4. Мухтожлар келганда, ҳеч қачон эшикни ёпиб олмаслик ва ташрифчиларни қабул қилувчи хожиб (махсус ходим) тутмаслик.

Умар ибн Хаттоб бир кўлларида дарра, иккичи кўлларида адолат шамширини маҳкам тутиб, идора этганлари боис у зот ноҳақ бирор кишига зулм етказмадилар, ноўрин жазоламадилар. Аксинча, гуноҳ иш қилган кимса ўзининг бойлиги, насл-насаби, мартабасига қарамай, халифанинг даргоҳларидан қочиб кутула олмади.

Ҳазрати Умар (р.а.) амалдорлар пора олишмасин, деб уларни бирор ерга ишга юборишдан олдин барча мол-мулкини хисобга олдирадилар. Орадан вакт ўтгач, ана шу мулкни тафтиш килиб, текширирадилар. Агар текширува мулк аввалгисидан кўпроқ чиқиб қолса, ортиқчасини давлат хазинасига - Байтул-молга олдириб қўядилар. Масалан, Канона араблари хузурига закот омили (ийғувчи) бўлиб борган Утма ибн Абу Суфён Мадинага қайтиб келганида, унинг ортиқча мол-мулки Байтул-молга қўшиб олинган. Унинг «Мен буни савдогарчилик килиб, ҳалол йўл билан кўпайтирганман», деган баҳоналари ҳам инобатга ўтмаган.

Адабий танқид



ЭЛДАН КЕЙИН АЙТИНГ, БАХТЛИМАН СЎЗИН! (Ўзбекзабон шоирлар ижодига бир назар)

Бахти ҳар ким ҳар хил тушунади. Мухаббат ёшидаги йигит ва кизлар ўз севганига эришишини катта баҳт деб ўйлашади. Аслида бу ҳам хато эмас: киши жуфти ҳалоли билан бир-бирини тушиниб, англаб яшашининг ўзи баҳтиёрик белгиси. Бундай шахслар ўз ҳаётни давомида, мухаббат жабҳасида баҳтига эришмаганлардан кўра кўнгли бутун бўлиб яшаси, савоб ишларни кўпроқ килиши мумкин.

Аммо мухаббатига эришиш саодати кишининг ШАХСИЙ БАХТИдир! Нима бўлмасин, шахсий баҳт исми катта ҳарфлар билан ёзиладиган Инсон учун ҳакиқий баҳт эмас! Ўйлаб кўринг, севган ёрингизга эришдингиз, шахсан Сизнинг уй жойингиз, иш ўрингиз, машинангиз, кўйингиз, яхши ҳаёт кечиришингиз учун зарур бўлган ҳамма нарсангиз бор. Аммо якинларингизда, ака-у坎гизда, опа синглингизда, ҳалқингизда

Шунингдек, Умар ибн Хаттоб (р.а.) Холид ибн Валиднинг Ашъас ибн Қайса ўн минг дирхам мукофот берганларини эшишиб қолиб қаттиқ ғазабландилар. Холид ибн Валидни вазифасидан бўшатдилар ва барча пулни ҳазинага мусодара қилиб олиб кўйдилар. Кейинчалик Усмон ибн Аффон даврларида ҳазина молини ўз манфаати йўлида тасаруф қилиб, баъзи амалдорларни мукофотлар эвазига ўз томонига оғдириб олган Муовия каби зотлар ҳам ҳазрати Умар даврларида бундай ярамас ишларга қўл уришга ботина олмаган эдилар.

Ҳазрати Умар (р.а.) қўл остиларидағи волийларга ҳалқ орасида адолатни маҳкам ушлашга, катта-кичик, бой-камбағал, аслзода-оддий фуқаро орасини

кўрган халифа бояги мисрлик қибтийни чакириди. Қўлига камчи тутказиб, волий Амрнинг ўғлини калтаклашга буюди. Ҳар урганда ҳазрати Умар (р.а.) «Ур аслзоданинг боласини!» деб турдилар. Амрнинг ўғлини уриб, қасосини олган қибтийга энди унинг отасини уришга буюрдилар. Аммо мисрлик «Отасида қасдим йўқ, ўғлидан қасосини олдим», деб халифани хотиржам килди.

Амр ибн Ос ҳазрати Умарга (р.а.) ушбу воқеадан мутлақо бехабар эканликларини айтиб, узроҳлик қилди. Аммо халифа бунинг баҳона бўлмаслигини айтиб, Амрни шундайин таъномауз сўзлар билан койидилар: «Сизлар қаҷондан бўён ҳалкни ўзингизга кул килишга бошладингиз. Ҳолбуки, улар-

ўзга чора қолмаганини тушунган волий ҳазрати Умарга (р.а.) ялинишга тушди: «Эй мўминлар амири, хеч бўлмаса, бизга ҳар камчи ўрнига пул бериб, ризо килишга руҳсат этинг!» Халифа рози бўлдилар. Волий бояги одамни ҳар камчи учун икки динордан олишга кўндириди ва икки юз динор баробарига мукаррар қасосдан кутилиб қолди.

Волийнинг тавбаси

Бир куни ҳазрати Умар (р.а.) Мадина кўчаларида кетиб бораётсалар, бир одам йўлларини тўсиб чиқиб, у кишига таъна-маломатлар ёғдира бошлади: «Эй мўминлар амири, сен волийларингга ёлғиз панд-насиҳат қилиш билан Аллохнинг азобидан кутилиб қоламан, деб ўйлайсанми? Ҳолбуки, Мисрдаги волийинг Иёз ибн Фанам Пайғамбар алайхиссалом тақиқлаганига қарамай, нафис ипак кийимлар кияди, шикоятчи - ҳожатманд кирмасин, дея эшигига соқчи ҳам саклайди».

Бу гапни эшигтан ҳазрати Умар (р.а.) қаттиқ хафа бўлдилар, ҳатто шу жойнинг ўзидаёт тафтишилар бошлиги Муҳаммад ибн Масламани топтириб келдилар. Уни Мисрда боришига ва юрганинг ўша пайтдаги волийси Иёзни қандоқ ҳолда топса, шундайлигича Мадинага олиб келишга амр этдилар. Текширишдан маълум бўлишича, Иёз нафис кийимлар ҳам кийган, эшигига соқчи ҳам ушлаган экан.

Иёзни ҳазрати Умарнинг (р.а.) хузурига олиб киришди. Халифа Иёзни ечинтириб, устига дағал жундан тўқилган қора чакмонни кийгиздириб, қўлига чўпонлик таёғини тутқаздилар-да, «Энди сен бориб, манови қўйларни бокиб келасан!» дедилар. Иёз бундан қатъяян бош тортди: «Мен катта ўлканнинг волийси саволга тутдилар: «Нима учун юз камчи урдинг?» Ундан маънилироқ асосни эшитмаган халифа ундан қасос олишга амр этдилар. Бу буйрукни эшигтан Амр ибн Ос чидағ туролмай, ўриндан туриб кетди ва халифани бу йўлдан кайтармокчи бўлди: «Эй амирал-мўминин, агар сиз бундай йўл тутсангиз, волийларга оғир ботади, уларнинг ҳалқ олдираги обрўсига птурт етади. Сиздан кейинги халифаларга ҳам ушбу иш оdat бўлиб қолади».

Ҳазрати Умар (р.а.) бунга жавобан: «Нечун қасос олинмаслиги керак? Ҳатто Расулуллоҳ ҳам ўзларидан қасос олдиргандар, олдирап эдилар», дедиларда, бояги шикоят қилган одамга буюрдилар: «Волийни юз камчи ур!»

Амр ибн Ос қарасалар, халифа ниятидан қайтадиган ҳолатда эмас. Энди

яқинларингиз билан баҳтли яшасангиzu, махаллангиздаги, туман ва вилоятингиздаги, борингки, мамлакатингиздаги минглаб, миллионлаб кишилар бирон жойда ишламаса, мардкорлик билан кун кечирса, тўйиб овқат емаса, кўнглидаги гапни барадла айтадилар, шунда Сиз ўзингизни баҳтли санасангиz, демак, Сиз ҳакиқий маънодаги етук Инсон эмассиз! Етук инсоннада битта ўзи ёки оиласини ўйламайди, бутун ҳалқнинг, инсониятнинг баҳтини ўйлади. Қозоқ туркйларининг буюк шоири Магжан Жумабой: «Ҳакиқий Инсон ўз баҳтини ҳалқ баҳти учун курбон килаолади», деди. Туркий ўзбек шоири Абдулхамид Чўлпон эса: «Қўзларида ғам тўла, бечораларга ёрман, умрида ғам кўрмаганлардан тамом безорман», деб ёзган. Шоир «ғам кўрмаганлар», деганда фақат ўзининг, оиласининг маҳалласининг ғаминигина чекадиган, ҳалқнинг ғами билан иши бўлмаганларни тушунади. Инсониятнинг энг буюк вакиллари, вижданли фарзандлари шу жумладан ёзувчи-шоирлар ўзларининг келиб чиқишидан, бойлиги ёки камбағаллигидан қатъий назар, ҳалқнинг ИЖТИМОЙ БАХТИНИ ўйлаб, унинг озод ва эркин яшаси учун курашиб ўтганлар...

(Давоми 3-бетда)

нинг бир қисмида була ғам. Улар ишсиз - мардкор, ўй-жойдан сиқилган... ҳар ночор яшашади. Агар Сиз шуларни кўра била турниб, ўзингизни баҳтли хисоблаётган бўлсангиз янгишасиз. Инсон зоти, агар ҳакиқий Инсон бўлса, у ҳеч бўлмаса, ўз яқинларининг ҳам баҳтли яшаси ҳакида ўйлади, амалий фаолият олиб бора-ди...

Борингки, оилангиздагилар, қариндош уругларингиз, ҳалқингизнинг асосий қисми сизнинг ҳам амалий кўмагингиз туфайли, вакт келиб, аввалгидан кўра яхшироқ ҳаёт кечира бошлаши: уларда ҳам уй жой, яшаш учун зарур бошқа ашёлари мавжуд. Аммо бу ҳам ҳали ҳакиқий баҳт эмас - ОИЛАВИЙ БАХТдир. Шахсий, оилавий баҳтлар Инсоннинг ўзини тўла баҳти, деб айтишига асос бўлаолмайди.

Ҳа, шундай! Баҳтнинг, баҳтиёрликнинг ҳам турли даражалари бор! Яъни Сиз ўз оила аъзоларингиз,

Азизлар, миллат айирмайлик!

Ўзбек, қозоқ, тожик, туркман қадим-қадимдан бир ота-онадан тарқалган ака-ука, опа-сингиллардир. Бизларнинг конимиз, илдизимиз битта, урфу-одатларимиз хам ўхшаш...

Масалан, менинг отам тожик, онам эса ўзбек. Улар(ни) Худо раҳмат кильсин) бир-бирига ўхшаб хам кетишарди. Аслида гапирмай туришса, ўзбек билан тожикни ажратиш кийин. Шуни учун ўзбек ва тожик халқини: "Икки тилда гапириувчи бир миллат", деб бекиз айтишмаган...

Бизлар бир оиласда олти фарзанд эдик: уч ўғил ва уч киз. Ёшлигимизданок турли миллат вакиллари яшайдиган маҳаллада карейс, рус, қозоқ болалари билан бирга уйнаб ўстганимиз. Мен ёшлигимда карейс тилида, қозоқ тилида гаплашаолардим. Синфодшларим хам турли миллат кишилари эди. Шунинг учунми, ҳеч миллат ажратмайман. Ака-укаларим, опа-сингилларим хам шунака.

Энг каттамиз Абдувалик акам ўзбек қизига уйланган. Келин ойим Турдихон опа саронжом сарышта, босиқина аёл. Миллат айиршмагани учун хам катта фарзандлари армиядан рус кизга уйланиб келганида уларни яхши кутиб олишган. Ҳозирда уларнинг хам бир-биридан чиройли икки

фарзандлари бор.

Нурмат акам (Худо раҳмат кильсин) геология факультетини тамомлаган эдилар. Кеннойимиз Маврудахон - миллати тожик, ўрта маълумотлик, икки ўғил икки қизлари бор. Болаларининг хаммаси уйли-жойли бўлиб кетишган...

Нурмат акам ва опамнинг уйланиш тўйлари билан боғлик баъзи вокеалар эсимга тушди. Нурмат акам институтни тугатиб уч ийлага Қорақолғистонга кетганди. Икки йил ишлаб отпускага келиб дадамга бир қизнинг уйига совчи бўлиб боришлари кераклигини айтган. Бўлгуси кудалар шароитларингизни тушиниб турибиз, ўзимиз ўқитамиз, унингиз кам, бунингиз кам деб айтмаймиз, дедилар. Аммо дадамлар кўнишмаган. Бир куни бўлгуси поччамиз катта тоғамга одам юбориб: "шу гал охирги марта боришади, бўлмайди, дейиша, қизларини қозоқча одатимиз бўйича олиб қочаман, дод деганига хам қулоқ солмайман" депти. Нурмат акамнинг хам жуда хам жаҳли чиқди. "Мен уни дўстим деб юрсам, синглим учун келиб юрган экан, тағин обқачармиш", деб астойдил хафа бўлди. Тоғам келиб дадам билан акамни кўндиришди. Тўй хам аломат бўлди. Куёв томондан кўп йигитлар, қизлар келишган. ўзбекча, қозоқча ашуласар айтилган, турли миллатларнинг мусикасига раксга тушишган... Заркентдан келган қориндошларимиз хайратланиб роса хоҳолаб кулишган. Тўй бўлиб ўтгач, акамнинг хам хафагарчиликлари тугаб, поччам

Шу орада Гулбахор опам Йўлдош

Охунбоев тиббиёт техникумининг иккинчи курс талабаси эди. Ўзимизнинг маҳалладан бирга катта булган Нурмат акамнинг дўсти қозоқ йигити Рисбай акадан совчи келди. Бўлгуси поччамиз касб-хунар техникиумини тамомлаганини айтишди. Дадам: "Яқинда акасини уйлантиридим, бир йилда иккита тўй қилаолмаймиз, хам ўчиши бор", дедилар. Бўлгуси кудалар шароитларингизни тушиниб турибиз, ўзимиз ўқитамиз, унингиз кам, бунингиз кам деб айтмаймиз, дедилар. Аммо дадамлар кўнишмаган. Бир куни бўлгуси поччамиз катта тоғамга одам юбориб: "шу гал охирги марта боришади, бўлмайди, дейиша, қизларини қозоқча одатимиз бўйича олиб қочаман, дод деганига хам қулоқ солмайман" депти. Нурмат акамнинг хам жуда хам жаҳли чиқди. "Мен уни дўстим деб юрсам, синглим учун келиб юрган экан, тағин обқачармиш", деб астойдил хафа бўлди. Тоғам келиб дадам билан акамни кўндиришди. Тўй хам аломат бўлди. Куёв томондан кўп йигитлар, қизлар келишган. ўзбекча, қозоқча ашуласар айтилган, турли миллатларнинг мусикасига раксга тушишган... Заркентдан келган қориндошларимиз хайратланиб роса хоҳолаб кулишган. Тўй бўлиб ўтгач, акамнинг хам хафагарчиликлари тугаб, поччам

билиан дўстликлари янада мустахкамланди.

Гулбахор опамнинг қайнонаси қозоқ аёли (худо раҳмат қильсан) кўпни кўрган, жуда ҳам босик аёл эдилар. Опамнинг билмаган нарсаларини ўргатиб, келинларнинг энг олди хисоблардилар. Ҳозирда ҳам опам билан поччам жуда ахил яшашади, уч киз ва икки ўғилниоятга етказиши, хаммаси уйлик-жойлик, ўзидан тинган. Катта келини Нигора қозоқ қизи, кейингиси Жамила отаси қозоқ, онаси ўзбек. Жуда хам яхши яшашади... Қолган опа сингиллар ўзбекка турмушга чиқдик. Менинг, учта фарзандим, иккита ўғлим ва битта қизим бор. Укам ҳам ўзбекка уйланган. Укамнинг икки фарзанди, синглимнинг эса бешта боласи бор. Ҳаммаси ҳам тотув турмуш кечиришмоқда.

Ҳозирда замоннинг зайли билан турли мамлакатларда яшамоқдамиз. Жумладан, ўзим болаларим билан Шветсияда яшайман. Опам билан поччамнинг икки ўғли Қозоғистонда истиқомат килишади...

Хуллас, байнамилал оиласарнинг ўзига яраша хислатлари, фазилатлари кўп! Келинг, азизлар, миллат айирмайлик! Ҳаммамиз ҳам Одам Ота ва Момо Ҳовва фарзандларимиз. Биз бутун дунёда, айниқса, Марказий Осиёда тинчлик ва тутувлик бўлишини истаймиз...

Башорат Эшова.

Адабий танқид

ЭЛДАН КЕЙИН АЙТИНГ, БАХТЛИМАН СЎЗИН!

(Ўзбекзабон шоирлар ижодига бир назар)

(Давоми. Боши 2-бетда)

Туркий халқларнинг буюк шоири Алишер Навоий жуда катта ер ва мулк эгаси эди. Аммо, "халқ ёмон яшаса, менга нима, ўзимнинг ҳамма нарсам борку", деб оёғини узатиб ўтирилади. Кучи етган, замон кўтарган даражада элига яхшиликлар қилди: мол мулкини ўзининг даласида меҳнат қилаётганлардан аямади, Ҳиротнинг турли жойларида қозон остириб, етим-есир, ғарип-гурబоларни бокди. Ҳазина бўшаб қолганда, Ҳусайн Бойқаро ёнида юрган худбин амалдорлар халққа солиқ солишини таклиф қилдилар. Шоҳнинг ўнг қўй вазири бўлган Навоий элдошларига оғир бўлишини ўйлаб, Ҳирот халқи чекига тушиши мумкин бўлган бу солиқни бир ўзи тўлаб юборди. Алишер Навоий бойликлари билангина эмас, ўзининг газал ва достонлари билан ҳам халқига хизмат қилди, Инсон буюклигини куйлади, уларни саодатга эриштириш ўйларини ахтарди... "Одаме эрсанг демагил одами, ониким йўқ ҳалқ ғамидин ғами", деб ҳайкирди! Унинг бу сўзлари ҳозиргача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Қаранг, бир қарашда оддийгина хисобланган бу мисраларда қанчалик теран маъно бор: agar сен одам бўлсанг, ҳалқ ғамини ўз ғамим деб билмаган, ҳалқ дардини чекмаган кишиларни одам деб хисоблама, дейди ҳазрат! Бу билан, тўғридан тўғри ҳалқ бахти саодати йўлида курашаётган одамларгина Инсонлик мақомига эришган, деган буюк ғояни илгари суради.

Бу хил адилар туркий ўзбеклар орасидагина эмас, деярли барча халқларнинг вакиллари орасида ҳам бор! Ўзи яхудий миллатига мансуб бўлсада, ўриснинг буюк ёзувчиси сифатида ном қозонган Лев Толстой жуда катта бойлик эгаси эди, кўли кўп нарсаларга етарди. Аммо у ҳаётда қийинчиликлар билан яшаетган ватандошларини кўрди ва уларга ёрдам қўлини чўзди, вақти-вақти билан хайрия ва эҳсонлар қилиб турди. У асарларида ўрислар яратган тузим кўпчиликни бахтили қилаолмаганини, ҳаётда тубан инсонларнинг кўплигини бадиий образларда акс эттириди ва шу билан ҳаётни, инсон феълини яхши томонга ўзгартириш учун амалий

кураш олиб борди. Унинг "Уруш ва тинчлик", "Анна Каренина", "Тирилиш" сингари асарлари амалий курашидир. Бу хил гапларни А.П. Чехов, Н.Г. Некрасов сингари адилар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Некрасов бир асарида, "Сен шоир бўлмаслигинг мумкин, аммо граждан бўлишга маҳкумсан", деган ғояни илгари сурди. Бу фикр, юқорида Навоийдан келтирилган иктибосга ҳамоҳандир.

Ўзбек ва қозоқ адабиётининг шўро даврида яшаб ижод қилган Абдулла Қодирий ва Чўлпон, Мағжон Жумабой, Фитрат, Мухтор Аvezov, Усмон Носир, Одил Ёқуб, Ўлжас Сулаймон, Эсонғали Равшан каби адиллари халқнинг қалб дардларини етук асарларида акс эттирилар. Аммо улардан анча мунчаси ҳозирда орамизда йўқ. Бизлар билан ҳамнафас бўлиб турган, ўзларини Навоийнинг шогирдимиз, деб хисоблайдиган тирик шоирлардан Эркин Воҳид ва Абдулла Ориф эса бугунги кунга келиб ҳалқни эмас, ўзларини, оиласарнинг на йўлайдиган ўзларининг сўзлари билан айтганда, "кичик одамларга", (Эркин Воҳид) "тилла баликча"(Абдулла Ориф)ларга айландилар. Ҳолбуки, улар бир пайтлар, халқнинг ғамини ейман, ҳалқ бахти саодати йўлида курашаман, деб шеърларида: "Беҳудага бир ёқка борсам, кўлларимдан ушлаб ўшал дам, курашларнинг сафига кўшинг, қур, ярат, дент, ҳайкир дент, жўш дент, Шундай яшар одатда одам" (Абдулла Ориф), "Бўронларга довулларга кўкрак кергим келади, аммо сокин, тинч яшашга сира йўқдир бардошим" (Эркин Воҳид) деб жўшиб ёзишган.

А. Ориф 1990 йили шоир дўсти Ёдгор Обид ноҳақ қамалганда "шоир озод бўлсин", деб ёзилган бир энлик ҳатта қўй ўйнишга ярамади. Аксинча, Юсуф Жума қамалганда, Эмин Усмон ўлдирилганда "Ҳар битта отилган Пушкин эмасдир, ҳар битта қамалган эмасдир Чўлпон", деб шеър ёзи.

Иккинчи бир шоир - Эркин Воҳидов гарчи, мансаби йўқ кезларда, ўзини гўё, халқнинг халоскори, раҳномоси сифатида кўрсатиб юрган бўлсада, ёғлироқ мансабга эришгач, "Ўзбеким"нинг муаллифи эканлигини, "Лекин аввал сенга бўлсан,

содик ўғлон Ўзбеким", деганларини унудти. Ўзбек халқини хору зор бўлишига йўл очиб берган амалдорларни мақтаб шеърлар ёзи... Туркий ўзбекларнинг билагида кучи борларидан 5, 6 миллиони яқин ва узоқ ҳорижда ишлаб, ҳаётнинг турли машақатларига дуч келишмоқда. Аммо Ўзбекистон Қаҳрамони бўлмиш бу шоирлар 20 йил давомида ҳалқ вакилларининг дард-изтиробарини шеърга солаётганлари йўқ.

Ҳаётнинг даҳшатли интиқомини кўрингки, ҳозирда Ўзбекистон Қаҳрамони бўлиб олган ҳар икки ҳақрарон шоир юқорининг эътиборидан маҳрум бўлиб, ҳалқсиз, бир парча ҳасдан ҳам оқизроқ эканлигини сезиб қолишиди... Ҳалқ олдида аввали обрўларини деярли йўқотишиди. Ўз ҳалқи ташвиши, унинг дарди билан яшамаган ижодкорлар итнинг охирги оёғи бўлиб қолаверадилар. Аксинча, ҳалқи билан ҳамнафас яшаган шоирлар тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам улуғланидилар.

Ҳозирда кунпаякун қилинган Ўз шахрида туғилиб ўсиб, Тошкентда яшаб ижод қилган ёниқ юракли шоир Шавкат Раҳмон: "Баҳт сўзин айтаман, ҳалқимдан кейин", деганидек, шоир зоти ҳалқнинг ғам-ҳасратларини, кувонч ва дардларини акс эттириши, амалда ҳам ҳалқ ғами билан яшаши керак!

Дарвоқе, юкорида номлари тилга олинган Абдулла Ориф ва Эркин Воҳид, (унинг "Сен ўзинг давлатсан, азиз Ватандош", шеърини хисобга олмаганда) 2010 йил июнида Ўз ва Жалолободда кирғиз ва ўзбек миллати ўзаро жанжаллашиб, бир бирларининг қонларини тўйканларида фожиаларни кўриб - кўрмаганликка олишиди. Фожиалар ҳақида оламшумул асар ёзмаси ҳам, бирон бир баёнот билан чиқиб, мен Ўзбекистон Қаҳрамониман, жиноятчилар, миллатидан қатъий назар жазога тортилиши керак, дейишмади...

Ҳолбуки, чет элларда ва Ўзбекистон ичкарисида яшаетган Гулчехра Нуриллаева, Дадаҳон Ҳасан, Ёдгор Обид, Юсуф Жума, Карим Баҳриев, Бердиёр Жума, Дилором Исҳоқова... каби ижодкорларнинг ҳалқ дард-ҳасратини акс эттирган шеърлари, мақолалари газета журналларда, интернетларда чиқиб, севиб ўқилмоқда. Бунинг сабаби улар, улуғ Навоий айтган кутлуғ дард - "Ҳалқ ғами" билан яшаетганларидадир. Зоро ҳалқи бахтдан йирок шоирнинг бахтлиман, дейишгага ҳақи йўқ!

**Ботир НОРБОЙ
Филология фанлари доктори.**

ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ВА УНИНГ ТУГАТИЛИШИ

(давоми, боши 5 сонда)

Жадидчилик адабиёти бугунги Туркистон турк адабиётига ҳам таъсир этгандир. Афсуски, бу кунга қадар жадидчилик фикрлари ва адабиёти дунёнинг ҳеч бир ерида туркологлар томонидан теран тадқиқ этилмагандир.

Жадидчилик харакати Чор Русияси ва Бухоро Амирилиги хукуматининг контроли ва душманлик сиёсати остида давом эттирилган бир фаолият жабхаси эди. Чор Русияси жадидчиликдан кўрқаётган эди, чунки жадидчилик, ёшларни миллий тарбия йўли билан Рус хукуматига қарши сафарбар бўлиш нуқтасига кетаётган эди. Бухорода ва умуман Туркистонда мутаасиб диндорлар ҳам жадидчиликни истомга душман бир харакат шаклида кўраётган эдилар. Бухоро Амири ва унинг хукумати жадидчиликнинг энг жиддий душмани ролини ўйнади. Бухоро Амирилиги жадидчилик кўркуви буюк эди. Қаердаки, бир жадидчини кўрсалар ва унинг фаолиятини сезсалар ўша ерда уни ўлдирадилар. Шунга қарамай Бухоро Амирилигидаги жадидчилик фаолиятлари ҳам шиддат билан давом этган эди.

Туркистонда маданий кураш туркистонликлар орасида 1917 йилга қадар икки оқимни ташкил этарди. Зиёлилар жадидчилик ва қадимчилик гурухларига бўлингандилар. Ҳар иккисининг ҳам кўрқинч душмани рус ҳокимиюти эди Аммо қадимчилар буни англамасдилар. Қадимчиларнинг таъсири катта эди. Шунга қарамай жадидлик энди тўхтатиб бўлмас бир фикр жараёни моҳиятини олганди. Аммо, жадидчилик харакати 1910 йилгача бир ташкилот қура олмаган эди. Руслар маданият ташкилотлари ташкил қилишга руҳсат бермасдилар. Жадидчилик харакати бир ташкилот характерини олмаган эди. Жадидизмнинг кўзга кўринган вакилларидан Файзулла Хўжанинг фикрича, жадидчилик харакати 1910 йилдан кейин Турк ва Эрон инқилобларининг таъсири остида бутун мусулмон шарқининг уйғона бошлаши билан бир ташкилот характерини олди. (Файзулла Хўжаев. “К истории революций в Бухаре”. Тошкент, 1926. 6 бет.) Мустамлака бўлган Туркистонда жадидчилик 1917 йилга қадар бир ташкилот шаклини олаолмади. Лекин ярим мустамлака бўлган Бухоро амирилигидаги жадидчилик 1910 йилда яширинча “Жамияти тарбиаи атфол” номли бир ташкилот қурдилар. Бу жамият 1911 йилда Истамбулда, Туркистон (ва Бухоро)дан талаба ўлароқ жўнатилган Абдурауф Фитрат, Мукумиддин Бекжон ва Содиқ Ашур ўғли кабилардан ташкил топган ҳайъат “Бухоро марифат жамияти”ни қургандилар. Бу жамият Туркистон ва Бухоро амирилигидан Истамбулга жўнатилган талабаларнинг моддий ва маънавий муаммоларига ёрдамчи бўлганди. Жамиятнинг 17 моддали низомномаси, аъзолари ва фаолиятлари бўлганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди...

Русияда 1917 йил февраль инқилобидан кейин Туркистон жадидчилари Мунавар Қори раҳбарлигига “Шўрои Ислом” исмли ташкилот туздилар. Бу ташкилот уларнинг маданий ҳаётидаги илк ва очик бир ташкилот эди. “Шўрои Ислом” бир тарафдан Туркистоннинг ҳар тарафида маданий ҳаётни жонлантириш учун фаолият кўрсатди, бошқа тарафдан Туркистоннинг туркистонликлар томонидан идора этилиши тушунчасини ишлаб чиқди. Рус ҳокимиюти остидаги Туркистон жадидчилари Бухоро амирилигидаги жадидчилар билан яқин алоқаларга киришдилар. Жадидчилар ўзларининг “Шўрои Ислом” ташкилолти воситаси ила Туркистонда ҳеч бўлмаса, Миллый мухторият (автономия) қозонмокка ҳаркат қиласдилар.

Большевик руслар 1917 йил ноябрьда Тошкент шахрида Туркистон учун Совет ҳокимиюти режимини эълон этганидан сўнг, Туркистон миллий зиёлилари ва Русияга қарши бўлган барча иш одамлари Кўкён шахрида тўпландилар. 1917 йил декабрида Туркистон миллий мухторият хукуматини

курдилар. Бу мухторият Туркистоннинг туркистонликлар томонидан идора қилинишига асосланган эди. “Шўрои Ислом” ташкилоти Русия большевизмiga қарши Туркистон миллий давлатчилик ғояларини жиддият билан олиб борган ва биринчи бўлиб, “Туркистон уломолар жамияти” билан бирликда Кўкён шахрида Туркистон мухториятини эълон қила олганди. Совет тарихчиларининг фикрларига кўра “жадидчилар, Туркистонни русиядан айириши ўйлардилар” (Б.Ф.Faфуров. “История таджикского народа”. М., 1949. 451 бет.) “Шўрои Ислом” ташкилоти 1920 йилда Совет хукумати томонидан таъкидланди (очерки “Истории Коммунистической партии Туркистана”, Т. 1958. 95, 96 бетлар).

Русия Совет хукумати 1917 йилдан эътиборан жадидчилар илиа иш бирлиги қиммоқ тактикасини олиб борди. Жадидчилар Чор Русиясидан озод бўлганлари учун мамнун эдилар. Ва Совет ҳокимиютигининг илк даврида миллий маданий сиёсатларини давом эттира олдилар. Жадидчиларнинг “Турк эли”, “Турк сўзи”, “Улуф Туркистон”, “Эл байроби”, “Чўлпон” номли газеталари 1918 йилнинг ёз ойларигача ўз миллий ғояларини баён этиб ултургандилар. Жадидчилар билан иш бирлиги килган Совет идорачилари ҳатто “Коммунизм Туркистонда жадидизм йўли орқали майдонга чиқа олди”, дея фикр билдиргандилар. (Қаранг: Б.Хайит. “Бухоро ва Хива мустақилларининг битирилиши тарихи ҳақида бაъзи мулоҳазалар”, “Миллий Туркистон”, 1967 12 номер, 12, 19 бетлар) Совет идоралари жадидчиларнинг юкорида зикр этганимиз, газеталарини ёпдилар. Улар, 1918 йилдан эътиборан ўз руҳларида ўнта газета нашр этдилар. Жадидчилар Совет газеталари йўли илиа ўз фикрларини билдира бошладилар.

Бухоро Амирилиги ва Хива Ҳонлигидаги жадидчилар: булар “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар” номлари билан танилгандилар. Усмонли императорлигидаги “Ёш турклар” харакатининг таъсири остида қолгандилар. Уларнинг бир гурухи Бухоро амирилиги ва Хива ҳонлигини йўқ қилиб, буларнинг ўрнига жумҳуррият курмок ниятида Советлар билан, ҳатто курол билан иш бирлиги килдилар. Совет коммунизм режими ила бирликда ишлаши масаласида жадидчилар икки гурухга бўлинидилар. Бир гурух жадидчилар Советлар томонидан Бухоро ва Хива ярим мустақил давлатларининг ишғол этилишига рози бўлмайдилар, лекин бир қисм жадидчилар Совет қизил армиясининг Бухоро ва Хивага хужум қилишига тарафдор бўлдилар. Совет русия қўшини 1920 йилда бу икки давлатни ишғол этар экан, жадидчиларга суюнди ва жадидчилар ҳам уларга курол бўлдилар. (Болшай советская энциклопедия, 4 жилд, 199 бет)

Совет маданий сиёсатининг таъсири билан жадидчи ижодкорлар 1919 йилдан эътиборан, икки гурухга бўлинишганди. Мирёкуб Давлат, Мағжон Жумабой, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Сулаймон Чўлпон каби шоирлар фикрларини ўзгартиримай, Совет маданият идораларида миллий мафкура миллий маданиятнинг такомили учун фаолиятларини давом эттиридилар. Жадидчиларнинг эски таъсири шоирларидан Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва Сакен Сайфуллин кабилар, шеърларида ва бошқа фаолиятларида коммунизм руҳини ташимок ролини ўйнай бошладилар.

Совет Русиясининг Туркистондаги идорачилари 1930 йилгача жадидчиларнинг фикр ва фаолиятларига изн бердилар. Факат 1934 йилдан эътиборан, жиддият билан, “мафкура майдонида кураш” шиори остида жадидизм мафкурасидан қутилиш харакатига тушдилар. Жадидчиларнинг ҳаёт бўлган катта бир қисми Совет давлати, коммунистик партияси ва маданият муассасаларида 1937 йилгача ишлай олдилар. Совет режими буларнинг контрол остида ишлатаётган эди, лекин ҳаётларига тажовуз кильмаётган эди.

Совет Русиясининг 1937, 39 йилларда давом эттирган “давлат ва коммунистик партия идоралар-

рини ҳалқ душманларидан ва миллатчилардан тозалаш” сиёсати натижасида жадидизмнинг Совет идораларида ишлаётган барча вакиллари қамоққа олиндилар. Буларнинг кўпчилиги тройка (уч кишилик яширин маҳкамаси) карори билан отиб ташланди.

Демакки, 1939 йилни Туркистонда жадидизм фаолиятларининг охири деб ҳисоблаш мумкин.

Жадидчилик Коммунизм режимининг зўровонлик сиёсати остида миллий маданиятнинг такомили ва миллий давлат ҳаётини қозонмок ўйлидаги фаолиятларини тўхтатиш мажбуриятида қолди. Жадидчиларини тарихининг бир парчаси сифатида давом эта бошлади. Жадидизм тугатилиши масаласида Совет Иттифоқида нашр этилган бир энциклопедияда шундай дейилгандир: “Жадидизм Совет ҳокимиятига қарши курашда сиёсий босқинчилик (бандитизм) шаклини олди. Жадидчилар чет империалист хукуматларининг жасуслари ролини ўйнадилар. Жадидизм оқибатда СССРда социализм зафарларидан сўнгра битказилди. (“Правда Востока”, 1962, 26 январь яна қаранг: кузатувчи Б.Хайит: “Нега жадидчилардан қўрқмоқдалар?”, “Миддий Туркистон” 1963, 92 номер, 28, 30 бетлар. “Шарқ ўлдузи”, Т., 1980, 8 номер 100 бет.)

Советларнинг “Жадидизм сиёсий босқинчилик шаклини олди ва чет империалистларининг жасуслари ролини ўйнади”, деган фикрлари тухматнинг бир кўринишидир. Советлар “Социализм зафари”, деганда 1938, 39 йилларни тушунадилар.

Советлар жадидчилик харакатининг баязи очиқ фаолиятларига барҳам бердилар. Лекин, Туркистон зиёлилари орасида жадидизм руҳидан то ҳозирги пайтгача кутила олмадилар. Баъзи Туркистонли тарихчи ва адабиётчилар, 1956 йилдан кейин жадидизм жараёнининг тарихий ҳодиса сифатида курилиши масаласини ўртага қўйдилар. Баъзилари эса, очиқча жадидизм гоясини химоя килиш истагида бўлдилар. Коммунизм режими буларнинг қаршида ҳам жабха очиш мажбуриятида қолганди. Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби Ш. Рашидов режимнинг талабларини шундай ифода этган эди. “Баъзи инсонлар Сталиннинг шахсига қарши кураш билан бирга, жадидчилик ва унинг гоясини ҳам химоя кильмокчи бўлладилар. Биз бунга хайриҳохлик қилаолмаймиз ва бунга йўл қўймаймиз. Шахсга сифини даврида баязи жадидчилар ва уларга яқин бўлган ўқитувчилар, ёзувчилар ва газетачилар тазиикла дучор этилдилар. Кейинги пайтларда улар афв этилдилар. Аммо, тескаричи ва аксилиниқилобчи бўлган жадидизм афв этилмади. Панисламизм ва пантуркизм жадидчиларнинг асос гояси эди. Кимки, жадидчиликни химоя кильмок харакатида бўлса, у душманни химоя этаётган бўлади.” (“Правда Востока газетаси”. Т. 1961, 26 январь. Яна қаранг: “Миллий Туркистон” 1963 94 номер, 28, 30 бет)

Бу кунги (1981 йил...) Туркистонда жадидизм ўқ. Лекин Совет режимида жадидизмдан кўркув бор. Жадидизм мафкурасининг қолдирган таъсири, шоир Абдулла Авлоний тилидан: “Тур, эй, милллат уйқудан, ҳасратлашайлик” (“Шарқ ўлдузи”, 1980 8 номер, 100 бет) дейишарди. Бу кунги зиёлилар, миллатнинг уйқудан уйғонганини сезардилар. Улар миллатни туришга чакираётирлар, миллатни, мустақилликни олишга даъват этаётирлар.

1981 йил.
Туркия турқасидан
Миразиз Аъзам таржимаси.
(Наирга тайёрловчи Б. Норбой)



“Кимки миллатчиликка чакирса, биздан эмас. Кимки миллатчилик устида урушса, биздан эмас. Кимки, миллатчилик устида ўлса биздан эмас”.

(Имом Абу Довуд Жубайр ибн Мутъим розияллоху анхудан ривоят қилинган хадис)

ФОЖИАЛАРНИНГ БАЪЗИ САБАЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АЙРИМ ЕЧИМЛАРИ...

Тарихий сабаблар...

Буюк туркий-ўзбек шоири Абдулҳамид Чўлпон 20 - йиллардаёқ, тарихини “кўзимнинг нурини аямай ўқидим”, деб ёзган ва тарихимизда қонли даврлар кўп бўлганини таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам, узоқдаги ташки душманларни кўйиб турайлик, бир-бирига қўшни бўлиб турган туркий ва эроний халқларнинг хукмдорлари, ҳатто Хива, Кўкон хонликлари, Бухоро амирлиги ўртасида ҳам катта кичик урушлар бўлиб турган... Асосан туркийлар бошқарган бу уч хонлик бир-бири билан келишаолган эмас. Шу туфайли ҳам Чор Россияси уларни бирма бир ҳалокатга учратиб босиб олган. Бир-бири билан келишаолмаган миллат чет душманларга кул бўлиши осон.

Чор Россияси ҳам, СССР хукуматини қурган коммунистлар ҳам туркийларнинг ўзаро келишиб, бир давлат бўлишини исташмаган. Туркистон Коммунистик партияси марказий қўмитасининг бир мажлисида Совет Русияси Туркистон комиссиясининг раиси Ван Эрнестович Рудзутак: Мен турк жумхуриятининг ташкил этилишига қаршиман. Ҳақиқатда бир турк миллати мавжуд эмас. лекин туркманлар, қозоклар, кирғизлар ва ўзбеклар бор”, деган (Г.Ф. Дақшлейгер. Историография Советского Казахстана. Олма ота. 1969, 20 -, 21-бетлар). У бир-бирига яқин лаҗжада гаплашувчи қозоғи кирғиз, ўзбегу туркманнинг бирлигини истамагани учун ҳам шундай фикр юритган. Шу учун ҳам Совет хукумати қурилгандан кейин туркий элларни бўлиш режалари бирин-кетин амалга ошиди. Бу ҳақда профессор Боймира Ҳайит шундай ёзди: “1924 йилнинг октябрида Туркистон Мухтор Совет Жумхурияти, Бухоро ва Хоразм жумхуриятларига барҳам берилиди. Уларнинг тупроқлари ва аҳолиси Ўзбекистон ва Туркманистон Совет социалистик жумхуриятларига, Ўзбекистонга боғлиқ бўлган Тожикистон Мухтор Совет жумхуриятига, Қора Қирғиз Мухтор вилоятига ва Қирғиз (Қозок) Мухтор совет

жумҳариятларига тақсим этилди”. Маълумки, бундай бўлинишдан кейин, 1929 йили СССР таркибидаги Тожикистон Совет социалистик Жумхурияти, 1936 йили (1920 йилда Русия Совет федератив Жумхурияти идораси остида бўлган) Қозогистон Мухтор Совет жумхурияти Совет Жумхурияти сифатида СССРга қўшиб олинди. Бу республикаларнинг ўз конституцияси, Олий совети бўлишига қарамасдан, тўлиғинча Москвага бўйсунар ва Коммунистларнинг чизиқларидан чиқишлиари мумкин эмас эди...

СССР хукумати бизни Республикаларга ажратиш билан бирга чегараларимизни ҳам белгилаб беришди. Туркийлар, шу жумладан тожиклар ҳам асрлар давомида бир-бири билан аралашиб яшаб келишган. Бир қишлоқда қозоклар яшашса, иккинчисида ўзбеклар, учинчисида туркманлар ёки уйғурлар, ёнгинасида тожиклар яшайверишиганд... Дунё яралгандан бери Тошкент ва Чимкент, Урганч ва Тошовуз (Дошғиз), Тошкент ва Хўжанд каби шаҳарлар ўргасида чегара бўлган эмас. Аммо 20-30 йилларда бошида туркийларнинг душмани (Хоразм империясининг вориси Жалолиддин Гуржистонни босиб олганлигини яхши билган) Сталин бошлиқ СССР хукуматининг ўша пайтдаги раҳбарлари Республикалардаги кўғирчок хокимларни кўндириб, халқларнинг ион ихтиёрисиз шундай чегаралар чизиб беришди, уларнинг ҳар бирининг остида “секин портгайдиган бомбалар”ни жойлаштиргандай бўлишди. Яъни, минг йиллардан бери туркий ўзбеклар ҳам яшаб келаётган ўш ва Жалолободни Қирғизистонга, ҳозир ўзини ўзбек атайдиган ўғизлар (хоразмликлар) ҳам яшаб келган Дошғиз ва Чоржўйни Туркманистонга, қозоклар яшаб келган Томди, Конимех туманларини Ўзбекистонга, Хўжандни (1936 йилгача Ўзбекистон таркибида автоном бўлган) Тожикистонга “бериб юборишган”. Бунинг биринчи сабаби туркийларнинг бирлашувидан ҳайиши эди. Бошида Сталин бошлиқ коммунистлар турган СССР хукумати туркийларнинг бир пайтлар Турк ҳақонлиги, Олтин Ўрда, Ўзбек хонлиги, Қозок хонлиги, Хоразм ва Амир Темур импе-

риясини, Кўкон, Бухоро, Хива, хонлиги каби давлатларни тузишганини ва агар бу миллатлар бирга яшашса, тил бирлиги пайдо бўлишини, кудратли давлат вужудга келиб, ўз ҳақ хукуклари учун курашилари, ҳатто, мустақилларни талаб қилишлари мумкинлигини идрок этишган. Аммо туркийларнинг асосий аҳолиси бу бомбалар бир кун келиб портлашини, оғани инидан бегона килишини билишмаган. Натижада бу оми одамлар ўрислар чизиб берган чегараларни ҳақиқий деб билиб, бу ер Ўзбекистон, бу ер Қирғизистон... ва ҳақоза деб, ўзларича бошқаларни ўз худудларидан сиқиб чиқаришга интилишди. Яширишнинг нима кераги бор! 1989 йили Фаргона ўзбеклари ўзлари билмаган ҳолда (ҳокимиятнинг ва КГБнинг кўринмас кўмагида) Асхика туркларини бу тупроқлардан чиқиб кетишга маъжбур қилишди. 1990 йили кирғизлар Ўш ва Ўзган ўзбекларини улар минг йиллардан бери яшаб келган юртларидан қувиш ҳаракатига тушиб, қатлиом уюштиришди. Ва ниҳоят 20 йилдан сўнг бу қатлиом янам даҳшатли даражада тақрорланди... Деярли барча урушларда, чегарани чизиб берганларнинг кўринмас бомбалари “портлади”: титулли миллатларнинг “бу бизнинг еримиз, қани туёғингни шиққиллат”, деган даъво асосий даъво бўлди. Қардошлиқ, Қондошлиқ қонунлари унтилид...

Агар коммунистлар туркий халқларнинг дўсти бўлишганида, туркий халқлар учун бу хил “бомбали” чегаралар ясада беришмаган, уларнинг тилини, урф одатини бир-биридан узоклаштирумаган ва фожиалар келиб чиқмаган бўларди.

Замонавий сабаблар...

Туркистон халқларини эксплуатация қилиш, ерларимиздан чиқаётган қазилма бойликларни марказга бемалол олиб кетиш учун СССР хукуматига тинчлик керак эди... Бу тинчликни саклаш учун хукумат айниқса, 60 - 80 йиллар оралиғида ўзаро дўстлик, қардошлиқ сиёсатини амалга ошириди: республикалараро ўтказилган турли тадбирлар, адабёт ва санъат декадалари халқларимиз орасида ҳам-жиҳатлик, дўстлик туйғулари пайдо бўлишига ёрдам берди, Аммо Республикалар мустақил бўлгач бу туйғулар чуқур илдиз отмагани, туркийлар қонида макола бошида айтилганидек, бўлиниб яшаш туфайли пайдо бўлган ўзаро душманлик кайфияти йўқолиб кетмагани, аксинча, ердошлиқ, уруғчилик, тор миллатчилик кайфиятлари бўй кўрсатиши мумкинлиги сезила бошлади...

(Давоми 7-бетда)

2010 ЙИЛ ИЮНИДАГИ ФОЖИА САВДО АҲЛИГА ҲАМ ЗИЁН КЕЛТИРДИ

Бишкеқдаги “Эркин бозор институти” тадқиқот маракази чиқарган ҳиосботга кўра, охирги вақтларга қадар минтақада энг йириклирдан бўлиб келган Қорасув бозорида савдо ҳажми 70 фоизга тушиб кетган.

Кирғизистон жанубидаги Қорасув шаҳри бозорида нафакат Кирғизистон жануби аҳолиси, балки қўшни мамлакатлардан келганлар ҳам ўзларининг кундаклик моллар ва кийим кечакка эҳтиёжларини қондиришарди. Бозорда савдо килувчи аёллардан бирининг таҳминича савдо авжига чиқкан паллаларда бозор кунига ярим миллионга яқин харидорга хизмат кўрсатган. Лекин бозорнинг шу кеча кундуздаги қиёфаси бутунлай ўзгарган. Харидорлар кескин камайиб кетган, савдо растлари ҳувиллаб қолган, тужжорлар катта зарар кўрмоқдалар.

Савдогарларга кўра, 2010 йилнинг апрель ойидан аввал кунига ўртача 50-60 ҳаридорга хизмат кўрсатган бўлсалар, ҳозирда бир-иккита харидор кўрсалар омадлари юришган хисоблайдилар. Бир йил олдин учтўрт юк машинасига юклаб мол олиб кетган харидорлар эндиликда деярли йўқ. Тужжорларнинг кўплари касодга учрамоқдалар.

Бишкеқдаги “Эркин бозор институти” чиқарган маълумотларга кўра эса, 2010 йилнинг апрель ойидан аввалгига солиштирганда Қорасувдаги улгуржи савдо 50 фоизга тушиб кетган. Умумий савдо ҳажми эса 70 фоизга тушган.

Нима учун кўплар ўзлари одат килган бозордан қадамларини узишиди? Қорасувдагиларнинг айтишларича, бунга асосий сабаб 2010 йилги

Кирғизистондаги ҳодисалардан сўнг ҳавфисизлик вазиятининг ёмонлашганини.

Жалолобод, Ўзган, Новқат вилоятларидан келиб улгуржисига мол олиб кетувчилар йўллардаги қўшимча текширувлар, баъзида эса жиноиий гурухлар тажовузидан безор бўлиб келмай кўйдилар.

Бундан ташкири бозорнинг асосий мижозлари бўлган ўзбекистонлик харидорлар ион ойидаги зўравонликлардан сўнг ёпилиб қолган ва кейинчалик ўта қатъий чекловлар билан очилган чегарадан ўтиб келишдан безорлар. “Эркин бозор институтига” кўра, Қорасувдаги молларнинг асосий харидорлари, хоҳ улгуржи бўлсин хоҳ чакана, ўзбекистонликлар эди. Марказ келтирган графикка назар ташласангиз бу бозордан молларнинг улкан 70 фоизини ўзбекистонликлар, атиги 15 фоизини Тожикистон ва бошқа мамлакатлардан келган харидорлар, ва яна 15 фоизини маҳаллий мижозлар харид қилганлари ангалашилади.

Мана энди тужжорларнинг савдо-си юришмай қолган, лекин бозорда

иши юритиш учун харажатлар аксинча ошиб кетибди. Савдогарларнинг тушумлари кескин тушшиб кетганига карамай, турли солиқлар, юкларни ташиб келиб бергани учун тўловлар, контейнерлар учун тўловлар аввалги қараганда деярли икки баробарга ошган.

Минглаб Кирғизистонликларни иш билан, яна минглаб минтақа яшовчиларини рўзгор учун пул топиш йўли билан ва кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаб келган бозорнинг келажаги энди нима бўлади? Қорасувда савдо қилиб келганларнинг бу борада умидлари хушбин эмас.

Агар аҳвол шундай давом этса кўплар савдони умуман тўхтатадилар, бошқалар каби Россия каби мамлакатларга иш излаб йўл оладилар ва бозорнинг ёпилиб кетиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас, дейишади Қорасувлик савдогарлар.

**BBCUZBEK.COM таҳририяти.
Материалдан қисқартириб олинди.**

ФОЖИАЛАРНИНГ БАЪЗИ САБАЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АЙРИМ ЕЧИМЛАРИ...

(Давоми. Боши 6-бетда)

1989 йили Ахиска турклари ва Фарғона ўзбеклари ўртасидаги юкорида айтилган конли мажороларнинг ҳам, 1990 йили бўй кўрсатган Ўш-Ўзган фожиасининг ҳам, 2010 йилги Ўш, Жалобод, Бозоркўргон фожиаларининг ҳам маънавий-рухий илдизи асли шу ерда. Иккинчи сабаб ўша даврдаги иқтисодий, ижтимоий етишмовчилик ва ўйқулиникуз тузумнинг нобоблигидан эмас, туркий қавмларнинг бир-биридан кўришидир. 1989 йилги фожиа пайти ҳам фарғоналини оми кишилар ўзларининг камбағал яшаётганидан, туркларнинг эса яхши ҳаёт кечиришидан шикоят қилишган. “Улар данғиллама ҳовлиларда яшашади, биз уч оила каталақдай уйда яшаймиз”, деб интервью беришган. 2010 йил июнидаги фожиалар пайти яна ўша эски ашула энди қирғизлар томонидан айтила бошланди. Жанублик қирғизлардан бир канчалари ўзларининг ночор яшаётганини, камбағаллигини ўзбеклардан кўришиди. Ўзбеклар, (шу жумладан ахиска турклари ҳам) илгаритдан уддабурро халқ: тижорат билан, деҳқончилик билан шугулланиб келишганлиги хисобга олинмаган. Яшовчан, меҳнаткаш ва фидоий ўзбеклар илгариги - 1990 йилдаги Ўш-Ўзган қирғинидан кейин ҳам бу ишларни давом эттиришган, магазинлар ва кафелари, тўйхоналар очишиган. қирғизнинг ақли нокис расмийлари “Ўзбеклар Қирғизистонда туриб, бой яшайди, сизлар камбағалсиз” деган фикри худди ўзлари каби ақли нокис омма онгига сингдиришган. Абдулазиз Махмудга интервью берган рус олими Игорь Савин айтганидай: «Сенинг оғир ҳаётингга порахўр амалдор - ўзингнинг қирғизинг айбор, ёки бизнесменинг ёхуд жиноятчи каззобинг айбор деб тушунтириш учун, кўярпизки, қанча сўз ишлатиш керак?! Ўзбеклар ҳамма жойни эгаллаб олди, дейиш эса осон...» Жуда топиб айтилган сўзлар! Ўзбеклар боййи, кетди, ҳамма жойларни эгаллаб олди, деган тарғибот оми қирғизлар онгига ёмон таъсир қилган... Уларда ўзбек бойларига нисбатан хусумат пайдо бўлган. Шу тариқа фашистлашган тўдалар биринчи навбатда бой турадиган ўзбекларнинг жонига ва кейинчалик молига чанг солишиган. Бу ҳол бошқача шаклда ҳалигача давом этаётганини интернет тармоғида чиқаётган маколалар тасдиклайди... Ҳолбуки бу фожиа юз бермаслиги мумкин эди. Бу ҳақда Игор Савин шундай дейди: «Қирғизларда шундай бир вазият юзага келди: советлар даврида сунъий равишда қўллаб-куватланиб келинган аҳоли мустақиллик чоғига келиб ишсиз, чорасиз қолди, агар уларга иқтисодий, ижтимоий ҳимояланиш шароитлари яратилганда эди, улар ўз қувватларини ана шуларга сарфлардилар ва хеч қанака қабилавий онг ва ўзбекларнинг фаровонлиги уларга халақит қилмасди»...

Хуллас, 1989 йилги Форғона фожиасида Ахиска турклари фарғона ўзбеклари томонидан, 1990 йилдаги Ўш-Ўзган қирғинида ва 2010 йил июнидаги ҳам ўзбеклар кирғиз фашистлари томонидан босқинга олинди. Албатта “Туркистон тонги”нинг 5 сонидаги интервьюда айтилганидай, бу фожиада онгиз ўзбекларнинг ва Жанубий Қирғизистондаги ўзбек маданият маркази бошликларидан баъзиларининг ҳам роли бор.

Бир қатор тарихчилар ва журналистлар Фарғона фожиасини КГБ ўюштирганини айтиб келишади. Бу ҳақ гап, аммо, агар юрагида қардошлик туйғулари чукур илдиз отганида КГБ ҳам бу урушни ўюштира олмаган бўларди... 1990 йилги Ўш-Ўзган фожиасини ҳам дастлаб КГБнинг бўйнига юклашди. Аммо кейинроқ бу қонли мажорода Қирғизистоннинг ўша пайтдаги раҳбарларининг ҳам кўли борлиги маълум бўлиб қолди. Аммо улар вақтида жазоланмади. Аксинча аввалгидан ҳам юкорироқ лавозимларга кўтарилиши.

2010 йил июнидаги қирғиннинг сабаларидан бири ҳам аввалги қотилларнинг ўз жазосини олмагани бўлди. Анча-мунча кишиларнинг ёстиги куритилгандан кейин уларни афсоласофилинга жўннаттганлар ялло килиб юрганини кўрган фашистлашган тўдалар, демак 90 йил қирғинини давом эттириш мумкин, деган хаёлга боришидни амалий ҳаракатларини бошлиди...

Кейинги қирғиннинг яна бир сабаби Қирғиз ва ўзбек ҳукуматларининг масалага панжа оркасидан карагани бўлди. Агар икки ҳукумат истаса бу қирғинни тўхтатиш мумкин эди. Аксинча, ҳамма республикаларнинг ҳукуматлари, оми аҳолиси СССР коммунистлари белгила берган чегараларни конун билиб, шошилинч равишида сим тўсиклар кўйиши, Чегараларни миналаштириш бошланди. Чегараларда турадиган, қардошлик қонунлари нима эканлигини билмайдиган айрим думбул чегарачилар бошқа миллатларга ёт назар билан қараб, куроллардан ўт очиш, ўлим ҳоллари юз бера бошлади. Қанчадан-қанча оддий, бегуноҳ одамлар курбон бўлишиди... Бир миллат фуқаросининг ўлимига ўзга республика раҳбарлари ачиниб қараш ўрнига ўз чегарачиларини химоя килишига кўпроқ эътибор беришиди.

Бу хил тенденциялар министрликларга, вилоят ва туман ҳокимияти вакилларига ҳам таъсир қилмай қолмади. Жойларда миллатчи раҳбарлар ҳам пайдо бўлгани ҳозир бутун дунёга аён бўлди... Айrim туркий республикалардаги расмий газеталарда бу хил ватанпарварлик кенг тарғиб қилина бошланди. Шу тариқа очиқ айтилмасада: Туркманистон туркманилар, Қирғизистон қирғизлар, Ўзбекистон ўзбеклар, Тоҷикистон тоҷиклар учун сингари тенденциялар омма онгига сингий бошлади. Бунинг устига бу республикалардаги титулли миллатларнинг “жонкуярла-

ри” тили, маданияти, урф одатини сақлаш учун жон куйдира бошлаши. Мустамлака пайтида ўз тили ва урф одатини сақлаш учун қаттиқ куюниш ва курашишни тушиниш мумкин. Аммо мустақиллик деганинг ўзи ҳар бир республикадаги титулли миллатга анча-мунча имтиёзлар бериши табиий ва ортича чириница ҳожат йўқ эди. Буюк рус ёзувчиси Лев Толстой “Ватанпарварлик ва давлат” номли маколасида айтганидай: “бу хил ватанпарварлик туйғуси нотабий, ноқилона, заарли, инсониятни изтиробга соладиган туйгу бўлиб, оқил кишилар томонидан барча воситалар ёрдамида ерга урилиши, йўқотилиши лозим”.

Аммо бу хил ватанпарварлик юкори доиралар томонидан кўйлаб кувватланди. Биз, қадим Туркистоннинг бир кисмиди (Қўйкон ёки Хива хонлиги ё Бухоро амирлиги таркибида алоҳида), ўрис империяси пайтида Туркистон бўлиб, коммунистлар даврида СССР таркибида биргалиқда яшаб келсанда, бугунги кунга келиб ҚАРДОШЛИК, ИНСОНИЙЛИК ҚОНУНЛАРИНИ ҮНУТИБ ҚЎЙДИК.

МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ БОР!

Биринчидан, туркийлар, умуман барча халклар тинч-тотув яшашини таъминлаш учун ишни бола тарбиясидан бошлаш керак. Биз, фалон ердан, пистон уруғдан эканлигимизни биринчи планга чиқармасдан, ҳаммамиз туркий эканлигимизни, Одам алайхисалом авлоди эканлигимизни болаларнинг қулоғига куишишимиз зарур. Ҳар куни козок, ўзбек, қирғиз, туркман, корақолпоклар бир ота-онанинг фарзандлари эканлигини айтишдан, тарихий ва замонавий мисоллар билан сўзларимизни исботлашдан чарчамаслигимиз лозим.

Иккинчидан, катта ёшдаги турли миллат кишилари Шўро даврида асосан қардошлик қонунлари асосида яшашди... Ўша пайтлари ўзбеклар Туркистон ёки Сайрам, Дошғуз ёки Чоржўй ўзбекларни демади, қозоклар Тошкент ёки Конимех факат қозокларни демади, тоҷикларнинг ақли бутунлари Самарқанд ва Бухорони талашмади. Бугунги кунда биз бу оталардан ибрат олиш билан бирга бу ҳудудлар у ёки бу халқни эмас, Марказий Осиёда яшадиган барча халқларнинг ери, деган фикри, ғояни болаларгина эмас, ўспиринлар, талабалар ва ҳатто катта ёшдаги кишилар онгига сингдиришимиз ўта зарурдир.

Учинчидан, ҳукуматларимиз хеч бўлмаса Шўро давридагидек, адабиёт ва санъат ўн кунликларини, турли қардошлик фестивалларини, байрамларни биргалиқда ўтказишни ташкил этишга ёрдами беришлиари лозим. Шундагина халқларимиз орасида маънавий-рухий яқинлик пайдо бўлади. Дўстлик ва қардошлик туйғулари чукур илдиз отади...

Н. ЖУМАН,
адабиётшунос.

Долимжон Сайфуллаев

Қадим, кўхна тупрогингда Ипак йўли изи бор,
Сендан баҳра олмии эди минглаб карвон, Туркистон.

Жамолингдан рашик килганчун теграндаги ёгийлар,
Ҳар нафасда таҳдиод солди истаб яксон, Туркистон.

Чингиз бошлиқ; мўёғуллару қорахитой, қалмоклар
Остонангни забт этмоқча қилди жавлон, Туркистон.

Мақбараңга ўқ отганда манфур, золим, қонхўрлар
Юраклари зир титраган, кўнгли вайрон, Туркистон.

Лек уларга бош эгмадинг, Ҳақ йўлида бўлдинг сен,
Ўзи қайсар, магрут келбат, руҳи иймон, Туркистон.

Шу чун сени Остона деб аташмаган-ку бежиз
Абулхайр, Абилаҳон ва Есимхон, Туркистон.

Маънавият юрагисан ўн беш аср ўтса ҳам,
Халқимга сен таратасан илму урфон, Туркистон.

Тарихларда номинг достон эканига шубҳа йўқ,
Яна номинг янграйверар неча замон, Туркистон.

Бу кун сенга шоирларинг мадҳлар битиб туради,
Долимжоннинг бу шеъри ҳам бир армуғон, Туркистон.

Туркистонни куйлаймиз

Туркистон (багишлов)

Қадим туркнинг бешигисан, бешигим жон Туркистон.
Минг йилларнинг довонида шуҳрати шон, Туркистон.

Мозийларнинг саҳифасин безагансан, шубҳасиз,
Бугун шуни таърифлашига келди имкон, Туркистон.

Бир минг беши юз йилдан нари бизга боқиб турасан,
Ўтмишишнинг сиёдиролмас мингта достон, Туркистон.

Гоҳи Шавгар, Ясси бўлиб, тарихда ном қозондинг,
Ўз даврингнинг сараси бўб сурдинг даврон, Туркистон.

Чор атрофда барқ ургандга Қарнок, Сигнок, Савронинг,
Маърифату илм-урфонда бўлдинг сарбон, Туркистон.

Хўжса Аҳмад ҳикматлари Ҳаққа чорлаб туради,
Ҳақиқатнинг йўлида сен бўлдинг мезон, Туркистон.

Амур Темур буйруги-ла қурилганда мақбара.
Кичик Макка номи бирлан таратдинг шон, Туркистон.

Эгамназар Шайманов.

Қаршилар? —Йўқ! —Бетарафлар? —Йўқ!

(Бир Фуқаролар йигини раиси ва кенгашини сайлаш тафсилоти)

—Хўш... Бу сайлов аҳлига айнан
Хоким ўзи йўллади салом.

Қани, қарсақ!

Бўлди.

Етап, жисм.

Етап. Бас... Бас!

Қарсақка қўллук.

Хўш...

Йигинни очсан мен ўзим,

Қаршилар?

—Йўқ!

—Бетарафлар?

—Йўқ!

—Маҳалланинг обод йилида

Эски раис кўп ишлар қилди.

Тўртта чўпни терди йўлидан...

Тартиб! Жим, ҳой!

Қани, ким қулди?

Рост, кўрганман шу ишини ўзим!

Хисоботда ёзилган тўлиқ.

Хисоботни ўқинг азизим...

Қаршилар?

—Йўқ!

—Бетарафлар?

—Йўқ!

«Сўма лайкум! Мен эки йилда

Кўп ишларни Қо... Қо... ишлатдим!

Чўнкий ҳо-ким зўр йўтулувди

Бўндан жуда жуда руҳландим...

Мен ишладим. Ўзимга қойил!»

—Хисобот ҳам ўқилди тўлиқ.

Хисоботни маъқул келгандир?

Қаршилар?

—Йўқ!

—Бетарафлар?

—Йўқ!

—Ўзи жуда камтарин, содик.

Номзод йўғ-ов, бундан яхшироқ!

Хатто, кимнинг ичин тутса дам,

Ел ҳофифдан этади огоҳ!

Шул сабабдан ёқтипар ҳоким.

«Сайлансин!» — деб берганлар буй-

руқ.

Хў-юш... Номзодни овозга қўяй...

Қаршилар?

—Йўқ!

—Бетарафлар?

—Йўқ!

—Миям қурсин! Ахир ҳужжесатда

Бўлмоқ керак экан мүқобил.

Номзод — Норнинг машинаси йўқ,

У номзодин олгани маъқул.

Айт, шундайми? Айтдойм-ку, ана!

Ўз номзодин рад этди тўлиқ.

Демократия қилди тантана!

Қаршилар?

—Йўқ!

—Бетарафлар?

—Йўқ!

—Нафси бор-ку бани бандада

Унум бор-ки, шу мансаб иширин.

Ўринбосар — Нор, жуда содик,

Зўр ишлашар, жисм ва яширин.

Ўмаришар, очмайин сирни,

Камсуқум-у, лекин — ўта сук.

Шу номзодга бир овоз беринг...

Қаршилар?

—Йўқ!

—Бетарафлар?

—Йўқ!

—Маҳалланинг оқсоқоллари

Шул тузумга ода тўқирлар.

Камчиликни кўрмайди ҳечам,

Бизга маъқул шундай сўқирлар.

Тафтишишлар — Фолан, Писмадон.

Бари юрар, ҳудди, қорни тўйк.

Буларга ҳам беринг-чи овоз,

Қаршилар?

—Йўқ!

—Бетарафлар?

—Йўқ!

—Бу гуруҳдан чиқмагай нифоқ-

Келишганга — кенг дунё, дейди

Булар ахир, эски ҳамтвоқ,

Нима топса келишиб ейди

Агар ортса беришар ҳалқа,

Ахир, шу ҳалқ қўллади тўлиқ.

Якун қилсан экди йигини.

Қаршилар?

—Йўқ!

—Бетарафлар?

—Йўқ!

Туркистонни куйлаймиз

ВАТАНИМ

Бокира илҳомим селдайин тошиб,
Ватаним мадҳини ёниб куйлайди.
Чақалоқ- Истиқлол айни навқирон
Йигирма ёшададир - ўсиб-улгайди.

Боболардан мерос муқаддас замин,
Уларнинг армони олга чорлайди,
Йигирма йил мустақил Қозогистонда
Истиқлол ёғдуси кўкда порлайди.

Бу шундай бир кунки, таърифи бисёр,
Уни таърифлашга ожиз тилларим.
Шоирлар тилида бир ажсиб алёр,
Истиқлол сурурни шодлар дилларим.

Бепоён галлазор кўзга тўтиё,
“Ок олтин”дан төглар туради мағур.
Сенинг одимингга Дунё маҳлиё,
Ватан, шуҳратингдан дилларим масур.

Дадил қадамлар-ла одимлар олга
Келајсак умиди билан руҳлануб.
Миллатлар тинч-тотув, режсалар далда,
Озод элим учун яшайди ёниб.

Остона гўзаллик тимсоли, мана,
Асрлар ривожин этолдик адo.
Ажсадодлар руҳлари шодланиб, ана,
Мозийлар қаъридан беради садо.

Маҳамбет қиличи кирди қинига,
Исламий руҳи тинч тинглайди ашъор.
Яссавий ҳикмати инсон дилида
Яшайди бамисли муқаддас тумор.

Ватаним, қалбимда битмас жёшиқиним,
Менинг жоним ҳамда юрагим, таним.
Зафар айёмида битмас қўшиғим,
Мумтоз сатрларим сенга, Ватаним!

80-ЙИЛЛАР ҚЎШИФИ

Замон сенга боқмаса, замонга боқ дедилар,
Қилгуликни қилишиб, ўзин оптоқ дедилар,
Дунё ўзи бир жуфтмас, доимо тоқ дедилар,
Замон сенга боқмаса, замонга боқ дедилар,
Замон-замон дейшишиб ўзбекларни едилар.

Неча-неча минг йиллар - ўтди буюк ажсадодлар,
Лекин тан олинмади, чирқиради у зотлар,
Бу кун ушибу дардлардан тўқилса-да фарёдлар,
Замон сенга боқмаса, замонга боқ дедилар,
Замон-замон дейшишиб қозоқларни едилар.

Яссавийни бобом деб атасига бермади йўл,
Темурийлар золим деб унга ҳеч чўзмадик қўл,
Кўзларимнинг ёшидан оламлар бўлса-да хўл,
Замон сенга боқмаса, замонга боқ дедилар,
Замон-замон дейшишиб туркӣ тилни едилар.

Замона зайли дея улуғлар бўлди хор-зор,
Маданият эшигини бизлар учун қилди тор,
Ўзгаларнинг тилини кўкка кўтардик деб зўр,
Замон сенга боқмаса, замонга боқ дедилар,
Замон-замон дейшишиб туркӣ тилни едилар.

Кадимий руслумларга отишадилар кўп тошлир,
Халқимга теккан тошдан ёрилмади не бошлар,
Раббим, бу қандай халқидир,
тугамас ҳеч бардошлар,
Замон сенга боқмаса, замонга боқ дедилар,
Замон-замон дейшишиб Туркистонни едилар.

Имон ила эътиқод бизнинг мезон эмасми,
Имонини сотганлар ўзлигини билмасми,
Эътиқодсиз жасадлар энди нетай демасми,
Замон сенга боқмаса, замонга боқ дедилар,

1. Муаллифларнинг

фикри газета таҳририяти

аъзолари фикри билан ай-

нан бўлмаслиги мумкин.

2. Барча муаллифлик хукуклари

қозоғистон Республикаси конунлари

билимни биладиган.

3. Газетанинг асосий мақсади

миллатлараро муносабатларни

рахна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.

4. Ўқувчиларимиз маънавияти

бойлигини хисобга олиб, сахифалардан

ножоиз жойларда фойдаланмаслигига умид киламиз.

5. Газетадан олинган мақолалар ёки иқтиbosлар “Туркистон тонги”дан

олингланлиги кўрсатилиши лозим.

Долимжон Сайфуллаев

Замон-замон дейшишиб мусулмонни едилар.

Ўзлигини билмаган миллат эмасдири ҳаёт,
Ҳазин нолага ўхшар куйлашиша-да зўр баёт,
Қозогистон яшиасин, ўзга юртлар менга ёт,
Замон менга боқмаса, мен ҳам унга боқмайман,
Оломон дарёсига ирмоқ бўлиб оқмайман.

ҶЎЛПОННИНГ СЎНГИ ЎЙЛАРИ

Вайронга бўлдиёв синмас кўнгиллар,
Элизминг қалбидан тараалар бир оҳ-
Кўр бўлиб қолмоқда бу басир диллар,
Калбимни тирнайди бир кулги ногоҳ.

Бу кулги аламли аччиқ ва заҳар,
Унда бор ишиг ва нола овози.
Заҳарга айланар туганмас зеб-зар,
Бу зардан синмислар халқимнинг сози.

Ў, она Туркистон бунчалар забун,
Кайларга элтади бу боши берк йўл.
Қалбларда оловмас, сузади тутун,
Қалблаги қувончни таъқиб этар кул.

Чамаллар топталар, янчилар майса,
Гуллар хазон бўлди, диллар ҳам ларза.
Боғларда